



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 02 | pp. 325-335 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ РАҚОБАТ УСТУНЛИКЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



У. А. Отажанов

Тошкент халқаро молиявий бошқарув  
ва технологиялар университети профессори, и.ф.д.

[umidotajanov@rambler.ru](mailto:umidotajanov@rambler.ru)

**Аннотация:** Мақолада, кичик бизнес субъектларининг ривожланиши, кичик бизнес субъектлари рақобатбардошлигини таъминлаш ва кичик бизнес субъектларининг рақобатдош устунликларига эга бўлишни таъминлаш механизми таклиф этилган ҳамда уларнинг даражасини баҳолаш учун эконометрик таҳлиллар асосида кичик бизнес субъектининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўп омилли модели аниқланиб у асосида прогноз натижалари ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** кичик бизнес, рақобатбардошлик, детерминант, ретроспектив сифат мезонлари, МАРЕ, ТИС, эконометрик таҳлил, модель, прогноз.

### ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОНКУРЕНТНЫХ ПРЕИМУЩЕСТВ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

**Аннотация:** В статье предложен механизм развития субъектов малого предпринимательства, обеспечивающий конкурентоспособность субъектов малого предпринимательства и обеспечивающий наличие у субъектов малого предпринимательства конкурентных преимуществ, а для оценки их уровня - многофакторная модель объема производства. Субъекта малого предпринимательства определяют на основе эконометрического анализа и на его основе разрабатывают прогнозные результаты.

**Ключевые слова:** малый бизнес, конкурентоспособность, определитель, ретроспективные критерии качества, МАРЕ, ТИС, эконометрический анализ, модель, прогноз.

### PROSPECTS FOR THE EFFECTIVE USE OF COMPETITIVE ADVANTAGES OF SMALL BUSINESS ENTITIES

**Abstract:** In the article, a mechanism for the development of small business entities, ensuring the competitiveness of small business entities and ensuring that small business entities have competitive advantages is proposed, and in order to evaluate their level, a multifactor model of the production volume of a small business entity is determined based on econometric analyzes and forecast results are developed based on it. developed.

**Key words:** small business, competitiveness, determinant, retrospective quality criteria, MAPE, TIC, econometric analysis, model, forecast.

### Кириш

Жаҳонда кичик бизнес субъектларининг сони, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги, мамлакат ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)и ва аҳоли бандлигида кичик бизнес субъектларининг улуши, шунингдек кичик бизнеснинг асоси бўлган ўрта синф улуши ҳам жамиятда ўсиб бормоқда. Бутунжаҳон банки маълумотларига кўра, "...глобал ЯИМ 2021 йил давомида бутун дунё бўйича 4,3 фоизга қисқарган"[1]. Кичик ва ўрта корхоналарнинг ўзгариш эҳтимоли юқори бўлган, юқори даромадли мамлакатлардаги кичик ва ўрта корхоналар даромдалари ошиб бормоқда. Бундай ҳолат кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошликка эга бўлишининг сабаби рақамли воситалардан самарали фойдаланишдир. Кичик бизнес субъектларини ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жаҳонда кичик ва ўрта корхоналар ўртасидаги алоқалар учун ўзаро манфаатли жиҳатларни аниқлаш, фойдали алоқаларни белгиловчи омилларни таҳлил қилиш, шунингдек, мустақкам фирмалараро муносабатларни яратиш, кичик бизнес субъектлари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва маҳсулотларнинг харажатларни камайтириш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни ечишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса кичик бизнес субъектларининг фаолияти ҳалқаро миқёсда рақобатбардошлик тенденциясияларини кузатиш асосида ташкил этилишини ҳамда бу тенденция келажакдаги кичик бизнес субъектлари фаолиятининг янада самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Янги Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини шакллантириш мақсадида, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини ҳамда аҳоли даромадини ошириш ва бунинг натижасида инсон кадрини ошириш каби йўналишларда устувор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" да ҳудудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш, шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, 2026 йил бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш, ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қискартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш каби устувор вазифалар белгилаб берилди[2]. Белгиланган ушбу вазифалар кичик бизнес субъектларининг турли даражаларда ривожланиш омиллари ва рақобатбардошлигини шакллантириш ҳамда рақобат устунликларидан самарали фойдаланиш тенденцияларини илмий-услубий асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

### Адабиётлар таҳлили

Кичик бизнес субъектлари рақобатбардошлигини шакллантиришнинг назарий – услубий асослари бўйича хорижий олимлардан: Й.Шумпетер[3], М.Портер[4], С.Шейн[5], Э.Малески[6], Ж.Карпач, Д.Исенберг[7], Н.Юсуф, Р.Якоб, ва Д.Ибрахим[8], N.Vosma ва бошқалар [9], H.G.Broadman[10] ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

Шу билан бирга, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатларида корхоналарда рақобат устунликларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадини ошириш соҳасини тадқиқ этиш бўйича В.С.Прохоровский, Л.Н.Чайникова[11], С.А.Касперович, Г.О.Коновальчик[12], В.А.Рубе[13], Б.Н.Ичитовкин[14], И.А.Журавлева[15], Л.Е.Сбойлова[16] ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Ўзбекистонда корхоналарнинг умумий муаммолари, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан: Ё.Абдуллаев[17], Б.Б.Беркинов[18], О.Т.Кенжабоев[19], Д.Х.Суюнов[20], О.А.Арипов[21], Ш.И.Отажонов[22], М.М.Ибрагимова[23] ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Келтириб ўтилган мутахассис олимларнинг ишларида мавзу доирасида кўпроқ корхона ва ташкилотлар бўйича ёндошувлар, уларнинг умумий иқтисодий таъсири кенг ҳамда чуқур ўрганилган бўлсада, айнан кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини шакллантириш ва рақобат устунликларидан самарали фойдаланиш ҳамда ривожлантириш истиқболлари тўғрисида баён этилмаган. Бу эса тадқиқот мавзусининг танланишига ва унинг мақсад ҳамда вазифаларини белгилашга сабаб бўлди.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, статистик кузатиш, статистик жамлаш ва гуруҳлаш, танланма, корреляцион ва регрессион таҳлил, эконометрик моделлаштириш ҳамда прогнозлаш каби усуллар қўлланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакат иқтисодийётида муҳим ўрин эгаллаган кичик бизнес субъектларнинг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар сўнгги йилларда сезиларли даражада ошди. Ж.Робинсон таъкидлаганидек, кичик бизнес субъектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш кенгроқ ўзаро ҳамкорликда ёки уни бизнес муҳитининг доимий ўзгаришида кўриб чиқиш ва капитал манбаларига кириш қобилияти ҳамда унинг ички имкониятларини ҳисобга олиш керак[24]. Шуниси эътиборга лойиқки, рақобатдош устунликка эришиш учун ички ресурслар ташқи омилларга қараганда муҳимроқ роль ўйнайди[25].



**1-расм. Кичик бизнес субъектларининг рақобатдош устунликларига эга бўлишни таъминлаш механизми<sup>1</sup>**

Юқоридаги 1-расмда келтирилган кичик бизнес субъектларининг рақобатдош устунликларига эга бўлиш учун асос бўлган детерминантлар тизимига қуйидагича изоҳ берамиз. Расмда А) омилли детерминантлар – мамлакатнинг омилар билан таъминланганлиги; Б) талабни белгиловчи омилар - ички бозор хусусиятлари; С) юқори ва қуйи оқим тармоқлари; Д) кичик бизнес субъектларнинг стратегияси ва тузилиши ва улар ўртасидаги рақобат - ички рақобат; Ушбу тўртта омилга бошқа иккита омил сезиларли даражада таъсир қилади: имконият ва ҳукумат сиёсати. Бу детерминантларнинг барчаси бир-бирига боғланган. М.Портернинг сўзларига кўра, “миллий олмос энг фойдали бўлган” мамлакатлар муваффақиятга эришмоқда[4]. Мамлакатнинг иқтисодий муҳити қанчалик мураккаб ва динамик бўлса, баъзи корхоналар ушбу муҳит талабларини етарли даражада капиталлаштира олмасалар, муваффақиятсизликка учрайдилар.

Рақобат устунликларини қўлга киритиш ва қўллаб-қувватлаш учун касбий тайёргарликни яхшилашда ишчи-ходимларнинг индивидуал мотивацияси муҳим аҳамиятга эга. Рақобат устунликларини қўлга киритиш ва қўллаб-қувватлаш ички бозорда ҳақиқий ҳамда кучли рақобат мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу кичик бизнес субъектларни бозорда янги маҳсулотларни илгари суриш ва ўсишни рағбатлантириш учун янги бозорларни очишга ундайди. Ички рақобат, ҳеч

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

бўлмаганда, халқаро рақобат билан бир хил аҳамиятга эга, чунки кўплаб рақобатдош компанияларнинг мавжудлиги қулайдир, чунки миллий компаниялар хорижий рақобатчилар каби кучли бўлади.

Ҳукумат томонидан янги корхоналарнинг ташкил этилишини рағбатлантирадиган муайян меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши рақобатнинг ўсишини белгилайди ва шу билан рақобатдош устунликни сақлашга ёрдам беради. Юқорида айтиб ўтганимиздек, “олмос”нинг ушбу тўртта белгиловчиси бошқа иккита омил: имконият ва ҳукумат сиёсати билан яқиндан ривожланади. “Имконият” – М.Портернинг таъкидлашича, рақобатбардош устунликка эга бўлган кўпгина саноат тармоқлари эволюцияси жараёнида урушлар, халқаро молия бозоридаги катта ўзгаришлар, ишлаб чиқариш омиллари харажатларидаги ўзгаришлар билан аниқланган катта аҳамиятга эга бўлган.

Ҳукумат сиёсати рақобатдош устунликни қўлга киритишга таъсир қилиши мумкин, чунки бу энг муҳим ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бу ҳукумат субвенциялар, таълимга инвестициялар, ички бозорни тартибга солиш, омилларга кириш харажатларини камайтириш учун рақобатбардош инфратузилмани яратиш орқали маҳаллий бозорга таъсир кўрсатиши мумкинлиги билан боғлиқ. Давлат мудофаа саноати, аэроавиация, телекоммуникация каби айрим тармоқлар учун ҳам муҳим харидор ҳисобланади. Рақобатбардошлик шартлари тизимига миллий рақобатдош устунликларни яратиш ёки такомиллаштириш мақсадида давлатнинг изчил ҳаракати билан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга.

Рақобатбардошлик барча мамлакатлар томонидан юқори даражадаги даромад ва бандликни сақлашнинг асосий шарти сифатида қаралади. Юқори даражадаги рақобатбардошлик ривожланаётган мамлакатларга бир нечта асосий товар экспортига қарамликдан воз кечиш ва кўникмалар ҳамда технология асосида уни юқорига кўтариш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, иш ҳақи ўсишини сақлаб қолиш ва ишлаб чиқаришда миқёсида катта натижаларга имкон беради. Рақобатбардошлик миллий ёки корхона даражасида баҳоланиши мумкин. Миллий миқёсда бу халқнинг узок муддатли истиқболда реал даромадларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш билан бирга халқаро бозорлар синовида жавоб берадиган маҳсулот ҳамда хизматларни ишлаб чиқариш қобилияти сифатида белгиланади.

Халқаро бозорларда рақобат қилиш қобилияти одатда, макроиқтисодий сиёсат савдо сиёсати ва валюта курслари шароитларига шунингдек, мамлакатнинг қийсий устунлигига, яъни унинг ер, меҳнат ва капитал каби омилларининг таъминланишига боғлиқ деб ҳисобланади. Бунга бир нечта истиснолар хусусан, ўзининг табиий ресурслари ва капитал етишмаслигини қоплаш учун институтлар ҳамда инсон ресурсларига сармоя киритиш орқали дунёдаги энг рақобатбардош давлатга айланади.

Умуман олганда, технология ривожланиши иқтисодий рақобатбардошликда муҳим роль ўйнайди, бироқ, иқтисодчилар одатда иқтисодий таҳлилни технология масалаларини батафсил муҳокама қилиш билан бирлаштиришдан эҳтиёт бўлишди. Иқтисодчилар қабул қилган эмпирик ёндашувлар технология ва техник ўзгаришларни уларнинг самарадорликка таъсири нуқтаи назаридан ҳисобланади. Самарадорликнинг ўзгариши ва технология ривожланиши ўртасида ўлчанадиган

корреляциянинг йўқлиги технологиянинг иқтисодий ривожланиш, ўсиш ва рақобатбардошликка таъсирини тўғри баҳолашни қийинлаштиради.

Бунинг учун ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган “Тумор-N” кичик корхонасининг 2010-2022 йиллардаги статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми -  $Y$  ни ўзгаришига таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинган асосий воситаларининг янгиланиши –  $AVYa$ , корхонадаги ишчилар сони –  $KIS$  ва жами давр харажати –  $JDX$  каби омилларнинг корреляцион коэффицентини аниқлаб оламиз (1-жадвал).

1-жадвал

**“Тумор-N” корхонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши бўйича танлаб олинган омиллар ўртастидаги корреляцион коэффицентини**

	$Y$	$AVYa$	$KIS$	$JDX$
$Y$	1			
$AVYa$	0,81463	1		
$KIS$	0,98399	0,636638004	1	
$JDX$	0,98402	0,79923509	0,682556426	1

Жадвал қийматларига эътибор қаратадиган бўлсак, “Тумор-N” корхонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сифатида олинган натижавий  $Y$ -омилга нисбатан корхонадаги ишчилар сони –  $KIS$  ( $r_{Y,KIS}=0,98399$ ) ва жами давр харажати –  $JDX$  ( $r_{Y,JDX}=0,98402$ ) кучли зичликда боғланганлиги аниқланиб, бу ўз навбатида танланган ҳар икки омил тўғри танланганлиги уларнинг ошиши билан корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши кузатилади. Тадқиқотда таҳлил олиб бориш учун таъсир этувчи омиллар сифатида танлаб олинган асосий воситаларининг янгиланиши –  $AVYa$  ( $r_{Y,AVYa}=0,81463$ ) ҳам албатта натижавий омил билан кучли зичликда боғланган бўлсада, олдинги икки омилга нисбатан кучсизроқ эканлигини кўриш мумкин.

Аммо, бу олинган натижа омилларни нотўғри танланганлигини англамайди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, омилларнинг тўғри танланганлигини яна бир текшириш натижаси улар ўртасидаги хусусий корреляция коэффицентини бўлиб, асосий воситаларининг янгиланиши –  $AVYa$ , корхонадаги ишчилар сони –  $KIS$  ва жами давр харажати –  $JDX$  омиллари ўртасида  $r_{x1,x2}<0,8$  шартга кўра мультиколениарлик мавжуд эмаслигидан кузатилаётган боғлиқлик ўртасида регрессия тенгламасини аниқлашни EViews дастури орқали давом эттириш мумкин. Бунинг учун дастлаб танланган омил ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги боис, эконометрик моделлаштириш қондасига биноан, барча омилларни логорифмлаб олиш билан ишни давом эттирамиз (2-жадвал).

2-жадвал

**“Тумор-N” корхонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришининг кўп омилли регрессия тенгламаси**

Dependent Variable: LNY

Method: Least Squares

Date: 08/20/22 Time: 09:31

Sample: 2010 2022


Included observations: 12

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
LNAVYA	0.012994	0.071877	0.180787	0.0410
LNKIS	-0.935412	0.447745	-2.089161	0.0501
LNJDX	1.233792	0.181187	6.809490	0.0001
C	2.849399	0.826667	3.446854	0.0087
			$t_{жад}=2,306004$	
R-squared	0.979884	Mean dependent var		7.918316
Adjusted R-squared	0.972340	S.D. dependent var		1.316032
S.E. of regression	0.218874	Akaike info criterion		0.060559
Sum squared resid	0.383246	Schwarz criterion		0.222195
Log likelihood	3.636646	Hannan-Quinn criter.		0.000716
F-statistic	129.8945	Durbin-Watson stat		2.011017
	0.000000	$F_{жад}=0,245931$		

Жадвал маълумотларида келтирилган коэффицентлар қийматларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тенгламани ҳосил қилинади:

$$\text{LnY}=0,013\text{LnAVYA}-0,94\text{LnLKIS}+1,23\text{LnNJDX}+2.85 \quad (1)$$

Аниқланган 2-регрессия тенгламаси параметрларини t-Statistic мезонлари бўйича аҳамиятлилигига эътибор қаратадиган бўлсак,  $\alpha=0,05$  ва  $df=8$  бўлган ҳолда  $t_{жад}=2,306004$  га тенглигидан фақатгина жами давр харажати – JDX ( $t_{JDX}=6.80949 > t_{жад}=2,306004$ ) аҳамиятли бўлиб, қолган параметрларнинг ҳақиқатда аҳамиятлилигини ретроспектив сифат мезонлари MAPE (Mean Absolute Percentage Error – ўртача мутлоқ фоиз хатоси) ва TIS (Tayl inequality coefficient – Тейл прогноз аниқлигининг муқобил ўлчови) билан текшириш талаб этилади (2-расм).



## 2-расм. 1-регрессия параметрларини ретроспектив сифат мезонлари натижаси<sup>2</sup>

1-расмда келтирилган маълумотларга асосан таъкидлаш мумкинки,  $MARE=1,906$  бўлиб, бу ўз навбатида  $MARE=1,906 < 10\%$  шартга биноан прогноз аниқлиги юқори ва  $TIC=0,0112 < 1$  коэффицентини шунчалик нолга интилишидан 1-регрессия тенгламаси параметрларининг барчасини аҳамиятлилиги келиб чиқади. Юқоридаги 1-регрессия тенгламасидан амалиётда фойдаланиш учун математика қоидаларига ва ҳисоб-китоб жараёнларини осонлаштириш ҳамда натижалар аниқлигига эришишда юқорида ҳосил қилинган 1-регрессия тенгламасини потенциаллаштириш олинадиган ва унга кўра қуйидаги тенглама ҳосил қилинади:

$$Y = \frac{AVY\alpha^{0.013} * JDX^{1.234} * e^{2.85}}{KIS^{0.94}} \quad (1^*)$$

Ҳосил қилинган 1\*-регрессия тенгламасини ҳақиқатдан аҳамиятлилигини  $\alpha=0,05$  ва  $k_1=3$ ;  $k_2=8$  бўлганда  $F_{жад}=4,07$  га тенглигини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган Фишер қиймати  $F_{хис}=129,89$  энглигидан  $F_{жад} < F_{хис}$  шартга биноан 1\*-регрессия тенгламасининг аҳамиятлилиги ҳамда  $DW=2,011$  тенг бўлганлиги боис, автокорреляция мавжуд эмаслигидан тенгламанинг ишончли ва адекватлиги келиб чиқади.

Энди олинган (1\*)-регрессия тенгламасига иқтисодий изох берадиган бўлсак, агар “Тумор-N” кичик бизнес субъекти асосий воситаларининг янгиланишига 1,0 млн. сўм қўшимча сарфланадиган бўлса, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 0,1 млн. сўм ва жами давр харажатларини 1,0 млн. сўмга оширилса корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қўшимча 1,8 млн. сўмга ошириш имконияти мавжудлиги аниқланди. Бундан ташқари шуни таъкидлаш жоизки, агарда ҳозирги кунда корхонада ишчилар сонини бир нафарга оширадиган бўлсак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қўшимча 96,2 млн. сўмга камайиши аниқланди.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, “Тумор-N” корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўп омилли прогнозини амалга ошириш учун юқорида келтирилган 1\*-регрессия тенгламасидан:

$$Y = \frac{AVY\alpha^{0.013} * JDX^{1.234} * e^{2.85}}{KIS^{0.94}} \quad (1^*)$$

ҳамда ҳар бир танланган омилларнинг  $t=13$  даврга нисбатан:

- ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш –  $IchQ = 66.1 + 0.4 * t$ ;
- ишлаб чиқариш харажати –  $IchX = -2647.8 + 1107.9 * t$ ;
- корхона маҳсулот ассортименти –  $KMA = 5.5 + 0.07 * t$ ;

Тренд тенгламаларидан фойдаланган ҳолда кўп омилли прогноз 2027 йилгача қийматларини аниқлаймиз (3-жадвал).

3-жадвал

### “Тумор-N” корхонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўп омилли прогнози<sup>3</sup>

Йиллар	Маҳсулот ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш	Корхона маҳсулот
--------	------------------------	---------------	---------------	------------------

<sup>2</sup> Муаллиф ишланмаси

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмаси

	ҳажми, млн. сўм	қувватидан фойдаланиш, %	харажати, млн. сўм	ассортименти сони
2024	12759,2	71,3	11754,9	5
2025	13969,1	71,7	12862,8	5
2026	15179,2	72,1	13970,7	5
2027	16389,4	72,5	15078,6	5
2028	17599,6	72,9	16186,5	4

“Тумор-N” корхонасининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўп омилли прогноз натижаларига эътибор қаратадиган бўлсақ, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортименти 2027 йилгача 5 турда бўлиб, 2028 йилга борганда бу кўрсаткич 4 тага тушиб қолган. Бу ўз навбатида маълум бир маҳсулотда рақобатга дош беролмаганидан деб қараш мумкин. Аммо, шундай бўлсада, корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2023 йилга нисбатан 2028 йилда 27,5 фоизга ошиб 17599,6 млн. сўмга етиши кутилмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш учун, бизнингча, авваламбор, уларни ликвид ҳолга келтириш, яъни: пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари мавжудлигини ошириш, жорий мажбуриятларни ва кредиторлик қарзларини қисқартириш зарур. Бунинг учун барча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини таъминлаш зарур, бунга қуйидаги шартларни бажариш орқали эришилади:

- тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш;
- юқори даромадли маҳсулотлар, бунда ўзимизда мавжуд хом-ашёдан фойдаланган ҳолда янги дизайндаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш;
- корхонани автоматлаштириш ва бошқа инновациялар асосида модернизация қилиш, доимий янгилаб бориш;
- энергия тежовчи техникалар билан ишлаб чиқаришни таъминлаш, маркетингни ривожлантириш, бозор талабини таҳлил қилиш ва прогнозлаш, потенциал харидорлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни илгари суриш. Албатта, шуни ёдда тутиш керакки, кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш стратегияси сифатида маркетинг режасининг аҳамиятини таъкидлаш керак.

### **Хулоса ва таклифлар**

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, ишлаб чиқариш омилларининг ҳаракатчанлиги доимий равишда ошиб бораётган ҳозирги шароитни ҳисобга олган ҳолда, айниқса уларни тақсимлаш ва ишлатишда иқтисодий ҳамда молиявий самарадорликни оширишда уларга тўғридан-тўғри кириш унчалик муҳим эмас. Бу борада ишлаб чиқариш омилларининг иккита тоифаси намоён бўлади:

- а) бирламчи омиллар: табиий ресурслар, иқлим, географик жойлашув, малакали ёки малакали бўлмаган меҳнатни ўз ичига олади ва барча мамлакатларда ҳар хил нисбатларда учрайди;

б) илғор омилар: замонавий информатика инфратузилмаси, юқори малакали ишчи кучи, рақобатбардош илмий-тадқиқот институтлари киради ва ушбу омиларнинг аксарияти ўз вақтида муҳим инвестициялар билан яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, йирик корхоналардан кичик бизнес субъектлари ўртасида ҳамкорлик қилишнинг энг муҳим мезонлари нима эканлиги сўралганда, улар биринчи навбатда муносабатни таъкидладилар. Бу борада кичик бизнес субъектлари муваффақиятга эришиш ва ўзгартириш истагига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари ўз стратегиясига ёки келажакка қарашга, шунингдек, яхши молиявий бошқарувга эга бўлиши лозим. Глобал ишлаб чиқариш занжирларида турли хил етказиб берувчилар муносабатлари рақобатбардош кичик бизнес субъектларининг ривожланишига тенг ҳисса қўшмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. World Development Report 2021: Data for better lives. // <https://www.worldbank.org/en/publication/wdr2021>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Schumpeter, Capitalism, socialism and democracy, supra note 17, at 83.;
4. Porter, M.E. (2008), On Competition, Updated and Expanded ed., Harvard Business School Publishing, Boston.; Shane S. (2003),
5. Shane S. (2003), A General Theory of Entrepreneurship: The Individual-Opportunity Nexus. Edward Elgar Publishing.
6. Malecki E. L. Entrepreneurship and entrepreneurial ecosystems. 2018. URL: <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1111/gec3.12359>.
7. Karpacz, J. (2011). Determinanty Odnowy Strategicznej Potencjału Małych i Średnich Przedsiębiorstw. Warszawa: Oficyna SGH.; Isenberg D. The Entrepreneurship Ecosystem Strategy as a New Paradigm for Economic Policy: Principles for Cultivating Entrepreneurship. 2011.
8. Yusoff, N. H., Yaacob, R., & Ibrahim, D. (2010). Business advisory: A study on selected micro-sized SMEs in Kelantan, Malaysia. *International Journal of Marketing Studies*, 2(2), 245-257.
9. Bosma, N., Acs, Z.J., Autio, E., Coduras, A., & Levie, J. (2009). Global entrepreneurship monitor: 2008 executive report. Babson Park, MA: Global Entrepreneurship Research Consortium.
10. Anderson, J., Claessens, C.A., Ryterman, R., Slavova, S., Vagliasindi, M., et al. (2004). Building market institutions in South Eastern Europe: Comparative prospects for investment and private sector development. Washington, DC: World Bank Publications.; Statistics: theoretical principles and applied aspects / RV Feshchur, AF Barvinsky, VP Kachur, etc.; [For the head. ed. RV Feshchura. - Lviv: "Intellect-West", 2003. - 576 p.
11. Прохоровский В.С., Чайникова Л.Н. Финансы малых предприятий: Учеб. пособие. -Тамбов: Тамб. ГТУ, 2003. -96 с.
12. Касперович С.А., Коновальчик Г.О. Организация производства и управление предприятием: учеб. пособие для студентов технических специальностей. – Минск: БГТУ, 2012. – 344 с.

13. Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. – М.: «ТЕИС», 2010. 231-с.
14. Ичитовкин Б.Н. Малые формы хозяйствования. – М.: «Экономика», 2006. – с. 11.
15. Журавлева И.А. Основные направления развития малого бизнеса в сфере услуг и их экономическое обоснование, Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Белгород-2005.
16. Сбойлова Л.Е. «Региональная инвестиционная стратегия управления развитием малого предпринимательства (на примере Калининградской области)» Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Калининград-2006.
17. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. - Т.: Мехнат. 2011 й.
18. Беркинов Б.Б., Айнакулов М.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг йирик корхоналар билан ишлаб чиқариш кооперацияси. – Жиззах: Жиззах политехника институти, 2004. – 110 б.
19. Кенжабаев А.Т. Тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари.: Иқт.фан. докт. дисс. автореф. – Т.: 2005-39 б.
20. Суюнов Д.Х. Кичик бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самардорлигини ошириш йўналишлари. иқт.фан. ном. дис. автореф. Тошкент: 2004.-21 б.
21. Арипов О.А. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ –Т.: 2020.-72 б.
22. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмининг такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т., 2010.
23. Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самардорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Т.: 2018-54 б.
24. Robinson, J. (2005), *Leader of the Brand - Keeping the Best CEOs in Step; in a Highly Competitive and Unpredictable Global Market, a Strong Brand Delivers a Compelling Market Advantage*, New Zealand Management, p. 26.
25. Zainudin R., Mahdzan A.N. and Leong, E. (2018), "Firm-specific internal determinants of profitability performance: an exploratory study of selected life insurance firms in Asia", *Journal of Asia Business Studies*, Vol. 12 No. 4, pp. 533-550.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

